


Фарз намозининг фазилати | Ҳадис дарслари (269-дарс)



19:00 / 15.02.2024 3644

يَضْرِبُ دِيْعَ سِنْبٍ وَرَمْعُ نَع
دُنْعُ تُنْكُ: لِقَاقُ هُنْعُ هَلَلَا
لِقَاقُ رِوَةِ طِيبِ أَعْدَفَ نَامُ ثُع
يَلَصُّ هَلَلَا لُؤْسَرُ تُعْمَسُ

أَمْ لَوْ قَيِّمٌ لَسَوْ وَهِيَ لَعُهُ لَلِ
هُرُّضُ حَاتٍ مِلْسُ مِئْزَمِ نَم
نَسْحِيْفٌ ؕ بَوْتُ كَمْ ؕ ءَالَصُ
إِلَّا ءَعُوْكَرُوْ ءَعُوْشُخْ وَ ءَعُوْضُ
نَمِ ءَلْبَقِ أَمِلْ ءَرَأْفَكَ تَنَّاكْ
ءَرِيْبَكَ تَأْيُ مَلِ أَمِ بَوْنُ ذَلَا
مِلْسُ مِ ءَوْرٍ ؕ ءَلْكَ رَهْدَلَا كِلَلَدُوْ

Амр ибн Саъийд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Усмоннинг ҳузурида эдим. Таҳорат суви опкелтирди ва:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг: «Қайси бир мусулмон одамга фарз намоз (вақти) келса-ю, унинг таҳоратини, хушуъсини ва рукуъсини яхшилаб адо этса, албатта у ўзидан олдинги гуноҳларга каффорот бўлур. Модомики катта гуноҳ қилмаган бўлса. Бу ҳамма вақт учундир», деганларини эшитганман», деди».

Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадис гуноҳлар кечирилиши учун намозни яхшилаб қилинган таҳорат билан, хушуъ ва рукуъсини жойига қўйиб ўқишни шарт қилиб қўймоқда.

Намознинг хушуъси дейилганида уни сергаклик билан, Аллоҳдан қўрқувни тўла ҳис қилган ҳолда ўқиш тушунилади.

Намознинг рукуъси дейилганида эса қиёмда туриш, рукуъ қилиш, сажда қилиш, ўтириш каби амаллар тушунилади.

Ўтган ҳадисга қўшимча тарзда бу ҳадисда ушбу фарз намозларнинг ўзидан олдинги гуноҳларга каффорот бўлиши доимий эканлиги айтилмоқда.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Баъзи ибодат ва амалларнинг вақти келганида ўша ибодат ёки амалнинг фазлини билган одам бошқаларга билдириб қўйиши яхши эканлиги.
2. Таҳорат сувини бошқа одамга опкелтириш мумкинлиги.
3. Фарз намознинг фазли улуғ эканлиги.
4. Фарз намознинг ўзидан олдин ўтган кичик гуноҳларга каффорот бўлиши.
5. Таҳоратни яхшилаб қилиш зарурлиги.
6. Намозни хушуъ билан ўқиш кераклиги.
7. Намознинг арконларини жойига қўйиб ўқиш лозимлиги.
8. Катта гуноҳлардан эҳтиёт бўлиш зарурлиги.
9. Катта гуноҳларнинг намоз билан ювилмаслиги.

Кишининг зино, ароқ ичиш каби катта гуноҳлари фақат ихлос билан қилинган тавба билангина ювилади. Аммо етимнинг молини ейиш, рибо, бировнинг обрўсини тўкиш каби бандалар ҳаққига боғлиқ катта гуноҳлар бўлса, ўша ҳаққлар ўз эгасига қайтарилмагунича ва уларнинг розилиги, кечириши олинмагунича ювилмайди.

Мана шулардан келиб чиқиб, фарз намозларимизни ўз вақтида, пухта таҳорат билан, хушуъ ва рукуъларини жойига қўйиб ўқиб юрмоғимиз керак. Катта гуноҳларга эса умуман яқин келмаслигимиз лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.